

НОРМУРОД АРЗУЛЛАЕВ



СҮҮЮНЧИ

Еш шоир ўз китобини «Суюнчи» деб атади. Дарҳақиқат, ҳар бир шоир шеърлари жам бўлиб китобхонга тақдим этилар экан ва китобхон билан юзма юз учрашганда суюнмай бўладими?

Нормурод Нарзулланинг «Суюнчи» китобини варақласангиз, унинг севинчига шерик бўларсиз деб умид қиламиз. У ўз шахрининг янги-янги ўзгаришларини, қурилишларини, боғ-роғларини ва бу ўзгаришларни яратаётган одамларини ўз овози билан куйлашга интиланган.

Нарзуллаев Нормурод.

Суюнчи. Шеърлар. «Тошкент» бадний адабиёт нашриёти. 1965.

64 бет.

Н. Нарзуллаев. Суюнчи. Стихи.

## НИМА ЯХШИ

Баҳорнинг бўйи яхши  
Езнинг-чи ўйи яхши,  
Кузакнинг куйи яхши,  
Қишининг ҳам тўйи яхши.

Дарё, шўх сойим яхши,  
Сут, қатиқ, мойим яхши,  
Тугилган жойим яхши,  
Ватан-да, доим яхши!

## ҚАРЗДОРСАН, ЮРАК

Қулоққа чалинди бир меҳрибон сўз:  
«Беморга қон керак! Борми ошнаси?»  
Шунда саф тортибди талай йигит-қиз,  
Менга очилибди юрак чашмаси.  
Кўпчиб, жўшиб кетди танда томирим,  
Дўстлар қони билан очдим кўзимни.  
Юрак изга тушди, ёнди қалб қўрғини,  
Ҳаяжон колади қайноқ кўксимни.  
Эй, юрак, қулоқ сол, бер менга навбат:  
Мунтдай вужудингда дўстлар қони бор,  
Сенга ўтиб қолган хақи, жони бор!  
Энди сен меники эмассан фақат.  
Дўстлар сенга берди янги умр — жон,  
Сен ҳам яхшилик қил. қайноқ юрагим.  
Уларга содиқ қол, бўлгин меҳрибон,  
Дўстга бахшилик қил, булоқ юрагим!

## ҚУЕШ ШАҲРИ

Чинорларнинг учларида рақсга тушар нур,  
Азиям шаҳрим, чинорларнинг қиёс ёшнингга.  
Регистоннинг тўрт ёғида баҳслар бошланури:  
«Равглар кўпдир, айт, бундами, ё қуёшингда?»

Миноралар ўтмишинингга каттақон хитоб,  
Асрларга бергунинг ҳали бўёқдан сабоқ.  
Юлдуз санаб, сўроқларга топгансан жавоб,  
Улугбекнинг кўзи билан юлдузларга боқ!

Майин эсган шаббодалар боғлар бўйини  
Олиб келиб тарқатади, қўшиқлар айтиб,  
Бир бор кезган Обираҳмат, Сиёб бўйини,  
Сувларидан ичган одам кетмайди қайтиб...

## ЖУРАЛАРГА ЖАВОБИМ

Гоҳо сўрар мендан жўралар:  
— Шоирмисан, журналистмисан?  
«Шоир» десам, тилим буралар,  
Дил норози «журналист» десам!  
Ҳали ёшман, қаламни чархлаб  
Дуруст нарса битолганим йўқ.  
Эл оқ сути — ишончин оқлаб,  
Лойиқ тухфа атолганим йўқ.  
Умрим ширин, ниятларим кўп,  
Уқилмаган китоб сингарин.  
Бариси соз, бариси маҳбуб,  
Минг бир нозли моҳтоб сингарин.  
Орзуларим сафарда йўлдош,  
Йўлим қанча йироқ бўлса ҳам  
Жавоб топгум, мақсадим — куёш!  
Чин мақсадим ҳар қачон қамдам.

**Икки «ёр»ни суйиб қолгайман.  
Икковияга тушибди ишқим.  
Меҳрин қалбга жойлаб олгайман,  
Билиб сўйланг, келади рашким.  
Иккиси ҳам жон каби азиз,  
Дўст-қадрдон икки кўз каби.  
Яшаб бўпти беқалам, бесўз,  
Шоир қалби, журналист қалби.**

## ДУНЕЛАР ДУНЕСИ

Дунёлар давлати хазиначарми,  
Уранми, олтинми ва ёки атом,  
Шуларни мулкинг деб, биров айтарми,  
Йўқ эса, бойлигинг не эрур, олам!  
Бисотинг булар-мас,  
Мулк эмас булар,  
Бойлигинг бойлиги — одамлар.  
Одамлар бор экан, тонглар ҳам кулар,  
Замона ҳамisha олга қадамлар.  
Одамларнинг ўзи соҳибжаҳон,  
Эй олам, сен унга содиқ хизматкор,  
Дунёлар дунёси атоммас зинхор,  
Инсондир,  
                  инсондир,  
                          инсондир,  
                                  инсон !..



## ДУСТЛИК ҲАҚИДА

### I

Ахтарганим, излаганим — дўстларим.  
Қайга борсам, кўзлаганим — дўстларим,  
Ширин тил-ла сўзлаганим — дўстларим,  
Давра қуриб, юзлаганим — дўстларим.  
Давлатим ҳам, бойлигим ҳам ўшалар,  
Сизлар билан юрагим ҳам, ошиалар.  
Дўстни қучиб, ўз бағрига тўш олар,  
Дўстга қалбим поёндоздай тўшалар!

### II

«Пул орттирма, дўст, ўртоқ орттир!» —  
Халқ нақлида ҳикматлар кўпдир.  
Кезиб келсанг агар дунёни,  
Суриштирмас ҳеч ким дунёнгни,  
Мол-давлатинг тушмайди тилга,

Шон-шухратинг тушмайди дилга,  
Қучоқлашгач, сен-ла жўралар,  
Дўстларингдан аҳвол сўрарлар.  
Чўнтакдаги пулингги мутлоқ  
«Топдинг қанча, айтиб бер?» демас.  
Бироқ,  
Қанча ошиа, дўст, ўртоқ —  
Орттирганинг сўралмай қолмас!

## ҶИШ КАШТАСИ

Деразага боқсам тонг чоғи,  
Сои-саноқсиз янгича кашта.  
Бўлмаса-да рассом бўёғи,  
Кўзни олар бир бор қарашда.

Ором билмай бутун тун аро,  
Каштадўзлик қилган ким бўлди?  
Қалб меҳридан бериб кўрк, жило,  
Меҳнат қадрин билган ким бўлди?

Чекмаса-да остига имзо,  
Менга таниш бу кашта — бу иш:  
Қўлга тушмай игна, ип, аммо,  
Ўз асарин яратганди қиш!

## ҚУЁШ ВА ПАХТАКОР

Қуёш кўкдан сел ёғдирар беармон,  
Дала гўё ўт ёқилган бир тандир...  
Борлиқ ва тўлғанади бедармон.  
Оташ билан нафас олар она Ер.  
Оловларни сочсин, майли, бу қуёш,  
Ҳаммасига бардош берар тирик жон:  
Ерда пайдо бўлган чоғда чўғ-оташ,  
Олов билан дўст тутинган бу Инсон...  
...Ху, пайкалда тер тўкади пахтакор,  
Парво қилмас сира қуёш тафтига,  
Шу тупроқдан олтин йиғар,  
Ҳақин бор —  
Қуёшни ҳам қўндирса ўз кафтига.  
Бу даргоҳни ётоқ этди пахтакор,  
Кетмади у олтинзордан бир қадам.  
Бардошига қойил бўлиб юз минг бор,

Уз шаштидан қайтди ҳатто қуёш ҳам...  
Қуёш аста ётоғига йўл олди.  
Уфқ бети алвон рангга бўялди...  
Боқдим шунда уфққа мея,  
Наздимда,  
Пахтакорга қуёш эди таъзимда!

## СУҚМОҚ ЙУЛДАН КЕТАРДИМ

Ортада қолиб кетар әди  
Елгиз оёқ йўл.  
Хаёлимда шеър битардим,  
Чўлдир ўнгу сўл.  
Қуёш бўлса, ёз тандиря,  
Пишади елкам.  
Йўл босаман манзил сари,  
Манзиллар кўркам.  
Чўл сароби жимир-жимир,  
Олади кўзни.  
Чўл шамоли жуда чопқир,  
Қолдирмас изни..  
Чўл сароби алдаб қолар,  
Унутма, ўртоқ!  
Карвон йўлга олиб чиқар  
Бу якка суқмоқ!

## ОЛМАЗОРДА

Мевазорда соҳибкор қизлар,  
Ҳар ниҳолни ардоқлар, кўзлар.  
Меҳнатига меҳри қўшилган,  
Меҳнат билан бахти эшилган.  
Ариқчадан тошган зумрад сув  
Қўшиқ айтар: «Ҳа, булар сулув».   
Япроқларга шивирлаб шамол,  
Дейди: «Қизлар мард, соҳибжамол!».  
Ҳамон боғни кезиб юрибман,  
Меҳнат гаштини сезиб юрибман.  
Суқланаман, тўймайди кўзим,  
Чеҳраларда ёрқин табассум —  
Хандон уриб кулишар бари,  
Сўнг жаранглар қувноқ ланари:

**«Бунча бизга қарайсиз,  
Номимизни сўрайсиз.  
Ташвиш тортманг, эй йигит,  
Хизмат бўлса яраймиз.  
Олма пишганда келинг,  
Остига тушганда келинг,  
Қойил бўлиб ёзарсиз,  
Ишга тушганда келинг!..**



## ПИЕЗИ АНСУР

Қуёшимиз нурини,  
Она ернинг меҳрини —  
Эмиб, тараб бўй,  
Тоғ бағри — ўнгирларда  
Тошлоқ, қояли ерда  
Чўзар кўкка бўй.  
Сўлим баҳор ёмғири  
Дардига бўлиб дори,  
Яшнайти шунда.  
• Дўстлар, киминг диди бор,  
Англар: хушбўй ҳиди бор,  
Ҳикмат бор бунда.  
Аччиқмас, нордон таъми,  
Яйраб, яшнатар танни,  
Қарс тишлаганда.  
Дастурхонда нақшу зеб,

Ейсиз уни дори деб,  
Қиш қишлаганда.  
Макони гўзал Ургут,  
Бу — барака, бу ҳам қут!  
Шеър ёзсам арзир!  
Ансур пиёзи билан,  
Ҳурмат — эъзози билан  
Ургутим манзур!

*Ургут*

## Қ А Й И Н Л А Р

Еллар ұпич олар япроқларидан,  
Чир айланиб, бұлиб гиргитгон.  
Нафосат бор қучоқларида,  
Қачон келманг — хоҳу кеч, хоҳ тонг.

Бир-бирига сўйлар афсона,  
Мазмунида яшаш, ишарип:  
«Бизга ҳорияш мутлоқ бегона,  
Бегонадир беҳуда қарип!»

Шивир-шивир куйлашар кўшиқ,  
Магрур ўсгад оипоқ қайиилар.  
Ниҳолларга шундай тайнилар:  
«Биздай бўлиниг ҳаётга ошиқ!»

*Москва*

. ° .

**Халқ — азим дарё-ю, сен унда қатра,  
Қатрадан яралар зўр дарёлар ҳам!  
Дарё оқимида оқавер ҳар дам,  
Умрингда бир завол кўрмайсан сыра.**

## ДАРАДА

Туя ўрқачли тоғлар  
Кўз-кўз қилар савлатин,  
Осмон билан ўпишиб,  
Ғазнамни оч, дегандай.  
Сенга аталган мангу  
Неки борки — бисотим,  
Ўзинг изла, ўзинг топ,  
Сийнамни оч, дегандай.

Қоқ ўртада — дарада  
Ловиллаб гулхан ёнар,  
Буралиб чиққан «тили» —  
Бамисли олмос қилич.  
Палаткалар устида  
Жилолаииб нур ўйнар,  
Қалбимни қилди маскан  
Уша латофатли кеч!

Шу гулхан атрофида  
Бўлган каби катга тўй,  
Шодлик қанот қоқади,  
Куйлар рубоб, най, гармон.  
Чапак тиямни билмас,  
Янграр қўшиқ, янграр куй,  
Эриб тинглар экансан,  
Юракда қолмас армон.  
Булар — менинг дўстларим,—  
Хазина изловчилар,  
Буларга таниш-ошна  
Бундаги ҳар тоғу тош.  
Элим уларни атар:  
«Улкашувос овчилар».  
Хизматин қилар дoston,  
Шаҳрланиб қари, ёш.  
Гўзал она-Ватанни  
Хазиначи диёрдир.  
Олтин, кўмир, нефтга..  
Бойдир қутлуғ қучоғи.  
Хазиналар калити  
Қўлимизда тайёрдир,  
Шунинг-чун қалбга яқин  
Ҳар бир сиқим тупроғи!

## ФОНТАН ЕНИДА

Гўзал Тошкент ёноғи узра  
Гул-гул ёнган хол эмасми бу?  
Сувдан қоя ясаган қатра,—  
Қоя эмас, марварид кўзгу!  
Атлас кўйлак кийиб бир малак,  
Товланади, латофатими?  
Тугилганми янги камалак,  
Шуълалари — гул қанотими?  
Дурми, иурми кўкка сапчиган,  
Отилган сув вулқоними ё?  
Мармар чаиоқ узра кўпчиган  
Оқ олтиним хирмоними ё?  
Кўнглим унга буткул маҳлиё,  
Юрагимга берди оройиш.  
Фонтан, халқим қалбини гўё,  
Кўз ўнгимда этдинг намойиш!

## А Ж А Б М А С К И...

Хонам сокин.  
Чирогим ёниқ,  
Соат мили аста йўрғалар.  
Машқ борарди —мақсадим аниқ,  
Шеър ишқида қалбим тўлганар...  
Шу дам бирдан қўшни хонадан  
Уғлим чопиб чиқди ёнимга.  
Уйғоқ экан ёрим, она-да,  
Ташвишланиб тикилди менга.  
— Илҳомингиз қочирдимми, а?  
Узингиздай шўх-да, отаси.  
Ишингиз ҳам колгандир чала,  
Давомини қачон битасиз?  
— Йўқ, жонгинам, у берди ушлаб,  
Учиб кетган илҳом кушимни.  
Ажабмаски, бир кун ўғлимиз  
Тугалласа чала ишимми!



## ИШҚ ВА РАШҚ

Ҳазилга йўйишар рашки баъзиялар,  
Бекорчи нарса, дер ҳатто баъзиси.  
Соат-соатларга гоҳо чўзиялар  
Бу ҳақда бошланган жўралар баҳси.

Лойқа хаёлларга асло йўқ ҳушим,  
Кўнглим мойил эмас чиркин ўйларга.  
Узимга яраша бордир ташвишим,  
Қалбим парвоз айлар эркин куйларга.

Юракда ишқ ўти гурласа агар,  
Унинг меҳри билан ёнса гар одам,  
Ишқи рашкли бўлар — самимий, дилбар,  
Қадрига етажак замона, олам.

Ҳали бу оламда ёмон кўзлар кўп,  
Қараши беўрин, хавфли, ёқимсиз.

Баъзиси кўзингга суқиб қочар чўп,  
Баъзиси серваҳар, оқар оқимсиз...

Онажон юртимни, болам, ёримни  
Емон кўздаи асраш — виждоний бурчим.  
Рашкли ишқ қоплаган эътиборимни,  
Кўйглим буюрганини бари шунинг-чун.

Рашкли юрак яхши — бўлади рашки,  
Рашк ва ишқ-ла ўтса бор умрим, кошки!

## УНДАЙ ДЕМА

Ғарқ пишганди богда нок, анор,  
Меҳмон бўлдинг ўшанда.  
Сени кутиб, бўлдим бахтиёр,  
Колхоз боги — гулшанда.

«Танланг», дея сават узатдим,—  
Ҳар бир анор чўг — ёнар.  
Зимдан сени аста кузатдим,  
Олдинг бир дона анор.

«Тоқ кишига битта керак-да!»—  
Дединг, сабабин сўрсам,  
Йўқ, янглишдинг,  
Сен ундай дема,  
Ҳузуригда мен турсам!



— Кўзингизга боқсам, қорачи  
Нега бунча ёнар худди чўғ?  
— Чунки унда сен ўзинг борсан,  
Ишонмасанг мана, қара-чи!



Мен ҳам севдим — сеник иккимиз,  
Юрак бўлди бизларга сончи.  
Синовлардан ўтди севгимиз,  
Фарзандимиз — умр қувончи.

## БИР ЖУФТ АРЧА

Ариқ ёкасида икки туп арча,  
Бахмал тўн ёпиниб, яшнаб туради.  
Баргин куйдиrolмас жазирама ёз,  
Заҳрин ўтказолмас қаҳратон аёз,  
Кузда хазон билмас — яшиллигича  
Барглар қалин соя ташлаб туради.

Сувнинг оқимида ўзгача файз бор,  
Кўнгилга хуш ёқар бу қуюқ соя.  
Уртада авжланар суҳбати жонон:  
«Қўша қаригандай бирга ёнма-ён,  
Ҳавасинг келади суқланиб такрор,  
Ҳатто, арчалар ҳам қонушибди-я!»

«Ҳа, эркам, яхшилар кўпдир ҳаётда,  
Бунинг-чун на шубҳа, на бордир савол.

**Сарғайиш билмасин навқироон йиллар,  
Арчадай яшарсин покиза диллар,  
Мангу бирга бўлсин — етсин муродга,  
Тоабад умрида кўрмасин заво!**

## «ДИЛБАР»НИ ЧАЛГАНДА

«Қайсин чалай?»— дея қилдинг табассум,  
Мен боладай туриб қолдим лол.  
Ақлимни олганди сендаги ҳусн,  
Колхоз қизи, эй соҳибжамол.

Уйлаб қолганимни кўрдинг-у, дилдор,  
Бирдан чала кетдинг «Дилбар»ни.  
Кўнгилни қитиқлаб сайрай кетди тор,  
Куйдан эрмаган дил борми?

Пахтазор юлдузи, торнигда ўйнаб,  
Куйга солдинг дилингда борин.  
«Дилбар»ни чалганда кўрдингми ўйлаб,  
Узинг эканлигинг дилбарим?

## ЗИЛОЛ ҚАТРАЛАР

О, қатралар, зилол қатралар,  
Ҳам шакару, ҳам бол қатралар.  
Ҳаёт десам, ўйларимдасиз,  
Баёт десам, куйларимдасиз.  
Қўшиқ бўлиб келасиз тилга,  
Ошиқ бўлиб кирасиз дилга.  
Тома-тома бўласиз дарё,  
Юракларда ўт, меҳригиё.  
Зиё олар умрлар сиздан,  
Бахт унади нафасингиздан.  
Ҳатто қуёш сизда акс этар,  
Сочин тараб, ёғду рақс этар..  
Кичиксиз-у, аммо буюксиз,  
Буюклардай менга суюксиз.  
Қалбим сизга ҳамиша қойил,  
Кўнглим бўлса ҳамиша мойил!  
О, қатралар, зилол қатралар..



## СЕВИБ ҚОЛДИМ ҚАЙСИ ЛОЛАНИ?

Лола нзлаб, лола термоққа  
Чиқарканмиз югуриб, елиб,  
Тоғ шамоли чопқиллаб келиб,  
Лола хидин урди димокқа.  
Лолазор-мас, қип-қизил гилам  
Тоғ кўксида тўшалиб ётар,  
Юраркансан дил яшиаб кетар,  
Лолазорнинг ҳусни сен билан.  
Лолазорлар нчра йўқолиб,  
Кўнгилга хуш ёққанин тердинг,  
Бир дастасин саралаб бердинг,  
Кўллариягдан олдим уялиб.  
Сен-ла кездим қирмиз далани,  
Аммо шунга ҳайронман, ҳайрон,  
Жавобини топиб бер, жонон:  
Севиб қолдим қайси лолани?

## ЭШИК, ЕР, ЮРАК

Эшик тақиллади,  
Бордим чопқиллаб,  
Очсам остонада сен эдинг яккаш.  
Ана кош, ана кўа, ана ёқут лаб,  
Атлас кўйлак ичра гўё бир қуёш!  
Шу оташ, шу кўзлар ҳоври босдими,  
Ақлим ҳам адашди,  
Йўқдим ўзимда.  
Бундай кутмагандим бирор дўстия:  
— Марҳабо!  
— Марҳабо!  
Қўлим кўксимда!  
Эшикдан уйимга кирдинг, ай жонон,  
Энди бу ёгини яхши уқиб ол:  
Кўнгил эшигини қоқмоқ-ку осон,  
Бироқ унга кирмоқ амас бемалол!

## ШИРИН ХАЕЛИ БИЛАН

Мени маст, этди жонон хусни жамоли билан,  
Юзингни кўрсат десам, ёпди рўмоли билан.  
Юзларида кулгучи — табассум ярашиқ,  
Юрагимга ўт солди лабдаги холи билан.  
Ҳайрон бокарди борлиқ ўз қўйнида ундирган —  
Гулзордаги гулига минг-минг саволи билан.  
Кўкдаги ой, юлдузлар куллуқ қилиб шодмона,  
Фахрланар ердаги қоши ҳилоли билан.  
Меҳнатдан топиб иқбол, санъатга қўйиб кўнгил,  
Шод этди азиз юртни бўлиқ камоли билан.  
Содиқ дилдор излайман, у тутар қалбини пинҳон,  
Муҳаббатни ўлчамас давлати — моли билан.  
Янги ҳаёт ишқида бахт куйини такрорлар,  
Балким, у мени ўйлар ширин хаёли билан.

## ЯЛПИЗ

Чиқдим ариқ бўйига,  
Сув оқарди ўйноқлаб.  
Мафтун этиб куйига,  
Йўртади дили чоғлаб.  
Уни қутлаб, товланиб,  
Гуллар қилишар ханда.  
Тўйиб-тўйиб ҳидласанг,  
Ғубор қолмайди танда.  
Ешлигимдан ошиқман  
Кумуш рангли ялпизга.  
Уни тортиқ атаман  
Бугун севганим қизга.  
Узайин деб қўл чўзсам,  
(Билган каби дидимни)  
Ялпиз қувониб шу дам,  
Бурқитди хуш ҳидини.

## ДУСЛИК МЕҲРИ

(Т у р к у м)

*САЛОМ, ПОРОНИНО!*

Учрагандан сўраб-сўраб,  
калбада номинг ардоқлаб,  
Самарқанддан — узоқ юртдан  
йўллар ошиб, сўроқлаб,  
Эй, гул қишлоқ, сенга келдим,  
олдинг мени қучоқлаб,  
Элимдан салом сенга,  
Дилимдан салом сенга.  
Меҳмоним деб, чўққиси қор  
тоғларингни кўрсатдинг,  
Доним бирга фасли баҳор  
боғларингни кўрсатдинг,  
Нонинг едим, сувинг ичдим,  
менга қалбингни тутдинг,  
Миннатдорман умрбод,  
Мен қарздорман умрбод.

Юрагимни сеҳрлади  
    қўқда чақмоқ чақиши,  
Тошдан тошга бошин уриб  
    сойда сувнинг оқиши,  
Бунча дилкаш, бунча барно  
    сулувларинг боқиши!  
Чиройингга мен борман,  
Яна, яна хуморман.  
Поронино, Поронино!  
    Сенсан азим бир дунё,  
Бахтиёрсан: йўлинг узра  
    тўшаб жонбахш нур-зиё,  
Қучоғинда қуёш янглиғ  
    яшаган Улуғ Сиймо —  
Халқлар падари — Ленин,  
Қалблар мадори — Ленин.  
Шунданмикин, юрагингга  
    бахт қўшигин жўрлиги,  
Шунданмикин, азиз элинг  
    оводлиги, ҳурлиги,  
Шунданмикин, она юртинг  
    ботирлиги, зўрлиги,  
Сен машҳури жаҳонсан,  
Ботиру паҳлавонсан!

## ДУСТЛИК МЕҲРИ ЙИГИРГАН ИПЛАР

Дастгоҳлар, дастгоҳлар билмасди тиним,  
Юраклар мисол.  
Буида бахтин тоблар сен каби сингил,  
Қанча гулжамол.

Юзларда, кўзларда майин табассум,  
Утли боқишлар.  
Ҳатто урчуқлар ҳам тўхтамай бир зум  
Бизни олқишлар.

Кўзим тушиб қолди таниш ёзувга:  
«Жиззах нахтаси».  
Қайнаб тош, тўлқни от, эй, сен — ҳаяжон,  
Қалбим мақтасин!

Пахтазорга учди хаёлим бирдан,  
Кездим даламни.

Соғинган экаман — соғинганидай  
Шоир қаламни...

Соғинсам ҳақлиман, ўзбек деҳқони  
Шуҳратинг кўрдим.  
Сенинг олтиннигдан поляк жонона  
Безагай юртин...

Эҳ-ҳе, дўстлик меҳри йнгирган иппи  
Узиб бўлмайди!  
Қон билан, жон билан келган дўстликни  
Бузиб бўлмайди!

*Лодья шаҳри*



## СЕН КУЙЛАГАНДА...

*Варшава опера театрининг солисткаси  
Алиция Данковскаяга бағишланади.*

Сени илк бор тинглагандим  
Варшава сахнасида.  
Юрагингни англагандим  
Уша баҳор фаслида.

Сен куйласанг, булбуллар ҳам  
Хонишидан адашар.  
Сен куйласанг, кўнгиллар ҳам  
Куйга жонин агашар.

Чунки инсон орзусини,  
Тилагини куйлардинг.  
Ваъдасини, чин сўзини,  
Юрагини куйлардинг.

Меҳнатни, шавкатни,  
Номусини куйлардинг.

Давлатни, ҳимматни,  
Комусни куйлардинг.

Шуида бери қўшиқларинг  
Мафтуни — шайдосиман.  
Шўх табассум, қилиқларинг  
Мафтуни — шайдосиман.

Хуш келибсан, Алиция,  
«Оқ олтин» ўлкасига.  
Бугун яна сени кўрдим  
Тошкентим саҳнасида.  
Сен куйладинг, мен армонсиз  
Қалб созингни тингладим,  
Ҳеч изодсиз, таржимонсиз  
Овозингни тингладим.  
Дўстлик куйин бошладинг сен,  
Жавоб топдим сўзингдан.  
Элим беҳад мамнуи бўлди  
Меҳмон поляк қиздан.  
Юракларин пайвандладинг,  
Ром айлаб ер-самонни.  
Ҳа, қўшигинг дилга инар,  
Жондош килар дунёни!

## ХАРТЕШ<sup>1</sup> АЛЬБОМИГА

Йўлдан тўхтатди жиндак,  
Қўнгир кўзли бир қизча.  
Сочлари зап жингалак,  
Кўкрагида юлдузча.  
Чўгдек ёниб кўзлари,  
Унутмади саломни.  
Тилдан ўчмай сўзлари,  
Тутди катта альбомни.  
Тушундим, қўлга олдим,  
Илҳом жўшди ўша пайт,  
Қаламни ишга солдим,  
Тугилди ўзбекча байт:  
«Нурга тўлсин элингиз,  
Бахт ва тинчлик ёр бўлсини,  
Ғам билмасини дилангиз,  
Дўстлигимиз бор бўлсин!»

---

<sup>1</sup> *Хартешлар* — Польшада пионерларни шундай аташади.

## ВИСЛА

Варшаванинг белига камар  
Бўлиб оқар Висла дарёси.  
Озод шаҳар нурга кўмилар,  
Гуллар тақар Висла дарёси.

Соҳиллари салқин—сайилгоҳ,  
Одамлардан бўшамас бирпас.  
Бундан ҳаёг сувин ичишар,  
Озод, эркин олишар нафас.

Лов-лов ёниб товланар қуёш,  
Сувда ўйнар олтин нурлари.  
Шўх қушчалар сувга уриб тўш,  
Оқим сари еляшар бари.

Она ўлка томирида қон  
Бўлиб, тўлиб оққни, эй Висла.  
Йиллар ўтсин, ўтсин асрлар,  
Сувинг адо бўлмасин асло!

Сени кўриб кўзим ўнгнда  
Пайдо бўлди тошқни Зарафшон.  
Эгиз бўлиб туғилганмидинг,  
Дарём билан, Висла жонажон!

*Варшава*

## ОНА ВА БОЛА

Бунда кўрдим ажойиб ҳайкал,  
Ҳайкалтарош берибди сайқал.  
Ҳузурда ўй суриб қолдим,  
Ҳузурда кўп туриб қолдим...  
... Она турар... Кўзида ёлқни,  
Вужудида жўш урмиш тўлқни,  
Қўлида-чи — азиз дилбанди,  
Қуралай кўз ўгли — фарзанди.  
Жажжв қўллар она бўйнида,  
Нелар кечар она ўйнида?  
Балки, ўтган уруш даҳшати,  
Оғир ҳаёт — турмуш даҳшати,  
Хонадонлар лов-лов ёнгани,  
Юракларга кулфат солгани,  
Фарёд уриб, кўз ёш тўккани,  
Ифлос ёни қаргаб, сўккани

Хаёлида кезаётгандир,  
Она қалбин азаётгандир...  
Йўқ! У кунни истамас она,  
Йўқ! У кунни ҳеч демас она!  
Юракдаги ёлқин «Тинчлик» дер,  
Юракдаги тўлқин «Тинчлик» дер.  
«Тинчлик» дейди она юраги,  
Шуни истар қўлда гўдаги!

*Варшава.*

## ТИНЧЛИК КАПТАРЛАРИ

Эрталабки қуёш заррин нурини  
Эринмай тарарди шаҳар устига.  
Нур билан ўпарди дўстлар ерини,  
Сайқал берган каби гўзал ҳуснига.

Катта бир майдонда тўп-тўп кабутар,  
Бари чуғ-чуғлашиб, чўкишарди дов.  
Бирам чиройликки, меҳримин тортар,  
Аста йўл оламан каптарлар томон.

Қўлида дон-дуни эртами, кечми,  
Атайин келаркан кекса ҳам, ёш ҳам.  
Тарам-тарам сарғич олтин сочинни  
Бу ерга ёлркан ҳатто қуёш ҳам...



Дои ташласанг бўлди, қўнар кафтингга,  
Бошу елкангда ҳам яйрайди қўниб.  
Бошингда парвона, гиргиттон сенга,  
Бирга юрмоқчидай ҳамдаминг бўлиб...

Тинчлик, дўстлик рамзи—саноқсиз кушлар,  
Тўп-тўп учар экан, ўхшайди шарга.  
Юракни ром этар, кўнгилни хушлар,  
Кантар ярашибди сулув шаҳарга.

*Краков*

## ПҰЛАТ ВА ИРОДА

...Домна печи. Бир ёш йигит — пўлат қуювчи  
Олов билан олишарди дадил, басма-бас.  
Учқунларга тўлиб кетмиш улкан цех ичи,  
Кураш борар, кураш борар, сусаймас бирпас.

Пўлат бирдан таслим бўлиб, эгди бошини,  
Тарновдан сув оққан каби кетди йўлидан.  
Утни енгган ироданинг ушлаб қўлидан,  
Қадоқ қўллар яразмоқда янги қуёшни!..

*Нова Гуга.*

## ЕМҒИРДАН СҮНГ...

*Лавҳа*

Қуёш жилмаяр эди,  
Нурини ёяр эди...  
Аввал салқин ел эсди,  
Тебранди ўтлар.  
Қуёш бетини тўсди  
Қора булутлар.

Наъра тортди гулдурак  
Маст туя сифат,  
Жаладан берди дарак  
Чақмоқ ўша пайт.

Қуйиб берди шўх ёмғир,  
Савалади дўл.  
Сувга тўлди дала, қир...  
Кийим-бошлар ҳўл.

Марварид сирға гақди  
Томчидан барглар.  
Сувлар ўйноқлаб оқди,  
Тошди ариқлар.  
Ёмғир тинди. Майса, ўт  
Бошни кўтарди.  
Хизматин ўтаб булут  
Чоиниб кетарди...

*Нова Гута.*

## ДУППИМНИ СЎРАДИНГ

— Дўппингизни кийсам майлими?—

Деб сўрадинг.

Қўидирдим бошга,

Мафтуи бўлиб сендай қуёшга.

Изҳор этдинг кўнглинг майлини:

— Мана, мен ҳам ўзбек қизиман,

Юзларим ҳам ўхшаб кетади,

Кўзларим ҳам ўхшаб кетади.

Бир қаранг-а, худди ўзиман...

Сен сўрадинг бир дона дўппи,

Сўраганинг йўқ-ку зўр бойлик,

Ёқса сенга, бўлса чиройли,

Тортинма, ол, юзлари лўппи.

**Хўп ярашди ўзбекча дўппи,  
Жуда ўхшаб кетдинг синглимга!  
Зинҳор, винҳор, синглим кўнглингга,  
Бошқа бир гап келмасин, хўпми!**

*Катавица.*

## УМР НАҚШИ

Табассум-ла «ассалом» дединг,  
Бирам ёқди қулоқларимга,  
Бундай боқсам, сен турар эдинг,  
Олма пишиб ёноқларингда.

Алик олдим ўша ҳамоно,  
Сўзлар учди она тилимда.  
Номинг сўрадим,  
Дединг: «Ждана»,  
Айтолмадинг не бор дилингда...

Табассумда юрак акси бор,  
Дўстлик — умр нақши, Ждана.  
Тил билмасаиг айбга қўшмаслар,  
Дил билганинг яхши, Ждана.

*Катовица*

## ШОПЕН ЮРАГИ

Шопен — поэзияда  
Пушкиннинг ўзи.

(Л. Толстой).

У ўлимни хоҳлармиди,  
Истамасди ҳеч қачон.  
Бироқ, не ҳол ёш умри  
Улим этаркан хазон.

Шопен деса — тинглар дунё,  
Куй оқади қалбларга.  
Эритади сизни наво,  
Кулгу қўнар лабларга.

Гоҳо дилни нафрат, ғазаб  
Ҳисси ўрар ногаҳон.  
Мушт сиқилар, қийнар азоб,  
Бир куч юракда пинҳон.

Қасос ўти ёнар ял-ял,  
Будир юрт муҳаббати..



— Едга тушар, тушар дарҳол  
Бастакор васияти:  
«Улсам, дўстлар, қалб жасадим  
Қолмасин ёт ўлкада!»  
Йўқ, қолмади, азиз юрти  
Олиб келди елкада!  
У кўз юмди.  
Лек, орзусин  
Шоён билдириб кетди.  
Халқи билан яшамоққа  
Қалбин қолдириб кетди,  
Мангу қолдириб кетди.  
*Варшава.*

## ҚУЕШИМНИ СОҒИНДИМ

Меҳмон бўлдим чет элда,  
Ҳар кун ёмғир, ҳар кун қор.  
Чет элдасиз, дўст элда,  
Юзин очмиш навбахор.  
Қуёшнинг нури эмиб,  
Одам бўлганим учун,  
Қуёшли ҳур бўстонда  
Бахтим кулгани учун,  
Елкам куйиб далада  
Дурлар тўқганим учун,  
Писиб ётмай панада  
Чигит эганим учун,  
«Қуёшли ўлка» сўзин  
Маънисини чаққанман.  
Шу юртнинг ўғли бўлиб,  
Дўстларимга ёққанман.

Саёлатда — чет элда  
Согиндим қуёшимни.  
Юртим,  
    ёрим,  
            боламу  
Зап паҳлавон ошимни.

## ДУСТ ОРТТИРДИМ

Қўлга олиб блокнотимни  
Варақладинг ўтириб узоқ.  
Адреслару, таассуротимни  
Уқиб чиқиб, бердинг бир сўроқ:

— Бунча адрес — лозим кимга ҳам?  
Бир дафтари нимага керак?  
— Дўст орттирдим Польшада, ошнам,  
Тош парчадир дўстликсиз юрак.  
Йўллар йироқ, ниятлар холис.  
Дўстлик билан яқиндир олис!

*Варшава — Самарқанд.*

## М У Н Д А Р И Ж А

Нима яхши . . . . .	3
Қарздорсан, юрак . . . . .	4
Қуёш шаҳри . . . . .	5
Жўраларга жавобим . . . . .	6
Дунёлар дунёси . . . . .	8
Дўстлик ҳақида . . . . .	9
Қиш каштаси . . . . .	11
Қуёш ва пахтакор . . . . .	12
Сўқмоқ йўлдан кетардим. . . . .	14
Олмазорда . . . . .	15
Пиёзи ансур . . . . .	17
Қайинлар . . . . .	19
«Халқ — азим дарё-ю, сен унда қатра. . . . .	20
Дарада . . . . .	21
Фонтан ёнида . . . . .	23
Ажабмаски . . . . .	24
Ишқ ва рашк . . . . .	25
Ундай дема . . . . .	27

«Кўзингизга боқсам...» . . . . .	28
«Мен ҳам севдим...» . . . . .	28
Бир жуфт арча . . . . .	29
«Дилбар» ни чалганда . . . . .	31
Зилол қатралар . . . . .	32
Севиб қолдим қайси лолани? . . . . .	33
Эшик, ёр, юрак . . . . .	34
Ширин хаёли билан . . . . .	35
Ялпиз . . . . .	36
Дўстлик меҳри (туркум) . . . . .	37
Салом, Поронино! . . . . .	37
Дўстлик меҳри йигирган иплар . . . . .	39
Сен куйлаганда . . . . .	41
Хартеш альбомига . . . . .	43
Висла . . . . .	44
Она ва бола . . . . .	46
Тинчлик каптарлари . . . . .	48
Пўлат ва ирода . . . . .	50
Ёмғирдан сўнг . . . . .	51
Дўппимни сўрадинг . . . . .	53
Умр нақши . . . . .	55
Шопен юраги . . . . .	56
Қуёшимни соғиндим . . . . .	58
Дўст орттирдим . . . . .	60

*На узбекском языке*  
**НОРМУРАД НАРЗУЛЛАЕВ**

**С т и х и**

Редактор *Тўлқин*  
Художник *А. Россаль*  
Худ. редактор *В. Поротикова*  
Техн. редактор *А. Назиров*  
Корректор *Т. Алимов*